## Original in Uzbek Language

*see English explanation below*

# АЗИЗ СИРДАРЁЛИКЛАР !

Бугун бағри кенг, ғурури баланд, заҳматкаш Сирдарё халқи янги-янги марраларга эришиш мақсадида астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқда. Бу улуғвор ишларни сиз билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб амалга оширмоқдамиз.

Бу йил вилоятимиз фермерлари пахтадан катта хирмон яратиш ишқида ёнмоқда. Айни шу кунларда муҳим агротехник тадбирларни амалга оширмоқдалар. Халқимизда азалдан меҳнат қилган элда азиз саналади. Шу бойис қўлидан иш келган, ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир сирдарёлик бу савобли ишдан четда турмаслигига, фермерларимизга камарбаста бўлиб, теримнинг дастлабки кунидан бошлаб далага отланишига, пахта терими мавсумида ўзини пахтакор деб ҳисоблашига ишонамиз. Ва яна шунга аминмизки, сиз теримда пешқадамлар сафида бўласиз.

Биз ана шундай сирдарёнинг эртанги куни, унинг обрўси ва ғурури учун курашадиган, сиздек инсонлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳақиқий ватанпарварлик, юртга фидойилик ана шундай бўлади.

Нуроний кексаларимиз қўлларингизни очиб, дуо қилинг, бу йилги пахта хирмонимиз кўкка бўй чўзсин. Теримда иштирок этадиган, эл-юрт фидойилари асло ҳоримасин. Етиштираётган “оқ олтин”имиз элимизнинг фақат яхши кунларига ярасин. Халқимизнинг боши тўю томошадан чиқмасин.

Сирдарёликлар кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткаш халқдир. Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш, янги-янги марраларни қўлга киритиш, янада улуғвор ишларни амалга ошириш мумкин.

Муҳтарам Юртбошимиз биз, сирдарёликларга **“Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнатк[illegible], софдил, бағрикенг халқ”** деб юксак баҳо бергандилар. Бугун шу юксак баҳога қай даражада муносиб эканлигимизни исбот қилиб берадиган, халқимиз ва муҳтарам Юртбошимиз олдиларида юзимизни юруғ қиладиган вақт келди.

**Азиз сирдарёликлар!**

Сирдарёни бу йил обрўсини, ғурурини кўтарадиган йил, шунинг учун бугун ҳаммаларингиз ушбу мурожаатга қўшиласизлар, қўллаб-қувватлайсизлар ва амал қиласизлар деб ишонамиз.

Ҳамиша осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

**Ватанни муқаддас билганнинг ғурур ва ифтихори юксак бўлади.**

**“Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди,**

**“Камолот” ЁИҲ.**

“Семург” ХК босмахонаси. Б - 1012. Т - 150000 -

## English Explanation of the Document

*see the original above*

In 2015 the government appears to be using local organizations with close links to the government to support the mobilization of cotton pickers for the harvest.

In Syrdarya region, an appeal under the names of the Charity Foundation Mahalla, Nuroniy Foundation, and youth-focused organization Kamolot was circulated that called on residents to work for the president and pick cotton:

*"Our people traditionally consider such work to be an honourable occupation. Therefore, those who are able to work and who consider themselves part of our society must not stay away from this worthy cause, and from the beginning of the cotton harvest must go to the cotton fields. During the harvest, everyone should consider oneself a cotton picker. This is the way to prove our patriotism and devotion to our homeland. We can thus show our esteemed president that we are hardworking, honest people with an open heart."*